

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

№ 220 (10.525)

2005 ЙИЛ 10 НОЯБРЬ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 9 ноябрь куни Оқсаройда Осие тараққиёт банки (ОТБ) президенти Харухико Куродани қабул қилди.

— Ўзбекистон билан Осие тараққиёт банки ўртасида яхши, ишончли алоқалар йўлга қўйилган, — деди Ислон Каримов. — Мамлакатимиз дунёдаги ақсарият халқаро молия муассасалари билан алоқа ўрнатган, лекин ОТБ билан ҳамкорлигимиз алоҳида ўрин тутди.

Икки томонлама ҳамкорлик транспорт инфратузилмасини ва шаҳарларда сув таъминоти тизимларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, таълим, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш каби йўналишларни ўз ичига олади. 2005 йил 1 нояргача ОТБ томонидан Ўзбекистонга 17 лойиҳа бўйича қарийб 740 миллион АҚШ доллари миқдоридида маблағ ажратилган. Таъкидлаш жоизки, ОТБ бу

борада халқаро молия муассасалари орасида биринчи ўринда туради.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан ОТБ ўртасидаги ҳамкорлик бундан бунён ҳам мустақамланаверишига ишонч билдирди.

Х.Курода ОТБ Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенг қўламда давом эттириш ва изчил ривожлантириб бориш тарафдори эканлигини таъкидлади. Самимий қабул учун Президент Ислон Каримовга миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон ОТБ муносабатларига доир масалалар, қўшма лойиҳалар ижросининг бориши ва янгиларини ишлаб чиқиш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистонга ташриф буюришни лутфан таклиф этиб йўллаган мактубингиз бизни беҳад қувонтирди. Хиндистон билан Ўзбекистон узок даврларга бориб тақаладиган тарихий илдизлар ва маданий алоқалар бирлаштириб турадиган қўшни давлатлардир. Биз мана шу тарихий асосда барпо этилган бугунги ўзаро манфаатли муносабатларимизни юксак қадрлаймиз.

Жаноби Олийлари, Сизнинг Хиндистонга 2005 йил апрелдаги ташрифингизни ҳамда жорий йил май ойида Москвада бўлган учрашувимизни мамнуният билан эслаймиз. Сизнинг мулоқотларимизни ва олий даражадаги учрашувларимизни мунтазам давом эттириш зарурлиги тўғрисидаги фикрингизга тўла қўшилман. Бундай учрашувлар ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, халқаро ва минтақавий сиватга доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш ҳамда қабул қилинган қарорларнинг ижросини тезлаштириш учун қўлай имконият яратди.

Шу муносабат билан Сиз, Жаноби Олийларининг таклифини қабул қилиш менга катта мамнуният бахш этди. Ушбу имкониятдан яқин кезларда, икки томон учун ҳам қўлай вақтда фойдалана оламан, деган умиддаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига юксак ҳурмат-эҳтиромимни, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилаб билдирган истакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Манмохан СИНГХ,
Хиндистон Республикаси Бош вазири

XXI саҳоси
Барча манбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Осие тараққиёт банки (ОТБ) Президенти Харухико Курода раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси молия вазири, ОТБнинг Ўзбекистон томонидан бошқарувчиси Саидахмад Рахимов билан учрашди.

• Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Тиббий сугурта: мавжуд халқаро тажриба» мавзусида амалий семинар ўтказилди.

• Фарғонада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда шу йўналишдаги бошқа бир нечта Фармон ва қарорлар ижросига бағишланган кўргазмали ўқув-семинари бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида жорий йилнинг тўққиз ойида адлия идоралари томонидан амалга оширилган ишлар муҳокама қилиниб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

• Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти профессор Суюн Қораевнинг «Ўзбекистон вилоятлари топонимлари» китобини нашр этди.

• Франция ҳукумати 27 октябрдан бунён мамлакатда давом этаётган тартибсизликларга чек қўйиш учун қатъий чора-тадбирлар қўллашга киришди. Хусусан, «Фавкулда ҳолат тўғрисида»ги қонунга асосан тартибсизликлар юз бераётган шаҳарларда 12 кунга фавкулда ҳолат ёки комендантлик соати жорий этилди.

• Кеча Европа космик агентлигининг Venus Express зонди «Союз ФГ» ракетаси орқали Бойқўнғир космодромидан уқтирилди. Зонд тўппантўғри Венера сайраси томон йўл олган бўлиб, унинг 163 кунда манзилга етиб бориши кўзда тутилмоқда.

• Хитой ва АҚШ маъмурияти Хитой тўқимачилик маҳсулотларининг АҚШ бозорига экспортини қисқартириш масаласини ўзаро келишиб олди.

• Россия ҳукумати келгуси йилдан бошлаб ноқонуний муҳожирилarga нисбатан амнистия қўлламоқчи. Агар мазкур лойиҳа амалга ошса, мамлакатда хоржиликларга ишлаш ва яшаш учун рухсат берилади.

УНИВЕРСИТЕТ ЮБИЛЕЙИ

Тошкент ахборот технологиялари университетиди (ТАТУ) мазкур олий ўқув юрти ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда университетнинг профессор ва ўқитувчилари, талаба ва битирувчилари, вазирликлар ва идоралар вакиллари, пойтахт олий ўқув юртлари ректорлари, хорижий меҳмонлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Тошкент ахборот технологиялари университетининг профессор-ўқитувчилари ва талабаларига, бутун жамоасига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов ўқиб эшиттирди.

Тошкент электротехника алоқа институти 1955 йилда ташкил этилган бўлиб, ўтган вақт мобайнида бу ерда 30 мингдан ортиқ мутахассис тайёрланди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мазкур олий ўқув юрти ривожиди янги босқич бошланди. Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримовнинг 2002 йил 30 майда қабул қилинган «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги фармонига қўра, институт Тошкент ахборот технологиялари университетига айлантирилди. Дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш, тармоқ технологиялари, ҳаракатланувчи радиотелефон алоқа, электрон тижорат ва ахборот хавфсизлиги соҳасида ўқитиш ва мутахассислар тайёрлаш тизими сифат жиҳатдан юқори даражага кўтарилди.

Ҳозир бу ерда талабалар информатика ва ахборот технологиялари, телекоммуникация, радиоалоқа ва радиоэшиштириш, телевиде-

ние, ахборот хавфсизлиги, электрон тижорат, почта хизмати, менежмент, тармоқ иқтисоди, касб таълими ва бошқа йўналишлар бўйича тахсил олмақда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 июндаги «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига қўра, ТАТУ бу соҳадаги мутахассисларни тайёрлаш бўйича бош ўқув муассасаси сифатида белгиланди. Янги ўқув йилидан бошлаб Нукус, Қарши, Самарқанд, Фарғона ва Урганчда ҳудудий бўлимлар очилди. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг бошқа олий ўқув юртларида «Информатика ва ахборот технологиялари» йўналишида ўқиб-тан талабалар ушбу университетга ва унинг ҳудудий бўлимларига ўқитиш давом эттириш учун ўтказилди.

Бугун ТАТУ ўқув лабораториялари замонавий компьютер техникаси, офис ускуналари, лаборатория-тажриба курилмалари билан жиҳозланган. Йигирмадан ортиқ компьютер синфи, талабалар ўқитувчилар ва ходимлар учун Интернет тармоғига уланган электрон кутубхона ташкил этилган. Компьютер тизимлари университетнинг корпоратив тармоғига бирлаштирилган. Кутубхонада даврий на-

шрлар ва барча мутахассисликлар бўйича янги адабиётларнинг электрон каталоги тузилган.

Дарсларни тажрибали профессор-ўқитувчилар ва муҳандис-техниклар жамоаси олиб бормоқда. Кўпгина лаборатория ишлари моделлаштириш имконияти мавжуд бўлган виртуал стандарт бажарилади. Энг янги педагогик технологиялар, масофавий ўқитиш тизими жорий этилган. ТАТУ ва унинг бўлимлари ўқув-моддий базасини такомиллаштириш, уларни янги услубий ва технологиялар билан таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Университетда ўқув жараёнида АКТдан фойдаланиш бўйича ягона концепция ишлаб чиқилган. Шунингдек, кенг қўламли илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда ва улар яхши натижалар бермоқда.

Асосий илмий йўналишлар — корпоратив тармоқлар ва ахборот узатишнинг дискрет тизимларини яратиш, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, ҳаракатланувчи радиотелефон ва йўлдош алоқаси, автоматик коммутацияни ўрганиш ва бошқалардан иборат. Қўллаб тадқиқот ишлари бўйича қатор-патентлар олинган ва ихтиролар қилинган.

Давоми 2-бетда.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА сатрларда

• **КЕЧА** «Оққўрғон» маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказини Мирзо Улуғбек туман бўлими ташаббуси билан «Қизларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг муҳим аҳамияти» мавзусида уюштирилган тадбирда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этишди.

• **КЕЧА** Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг 13 йиллиги муносабати билан талабалар, ўқитувчилар, дипломатик корпус вакиллари иштирокида ўтказилган тадбир «Университет куни» деб номланди. Шунингдек, университет қосида ресурс маркази фаолият бошлади.

• **БУГУН** Тошкент алоқа коллежиди Шайхонтоҳур туман прокуратураси, туман суди, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Қамолот» ЁИХ туман бўлимлари, туман ИИБ ҳамкорликларида ўтказилган тадбир «Диний экстремизм ва терроризмнинг инсониятга қабиҳ таъсири» деб номланди.

• **КЕЧА** 24-мактабда «Қамолот» ЁИХ маънавий-маърифий соҳа сардорлари ва соҳа етакчилари ҳамда ташкилий бўлим сардорлари иштирокида «Ўз лойиҳангни ишлаб чиқ» мавзусида бўлиб ўтган махсус семинар «Қамолот» ЁИХ Тошкент шаҳар ҳамда Собир Рахимов туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати
ва ўз муҳбирларининг
хабарларидан.

Кузги юмушлар

Саҳий ўлкамизга айна пайтда олтин куз ўз сепини ёйган. Бу фасл ҳам ўзининг фусункорлигию бетақрор табиати билан ўз ўрнига эга. Айни кунларда туманларда кузги юмушлар қизгин паллага кирган.

ШАҲРИМИЗ ҲАВОСИ МУСАФФО БЎЛСИН

Чилонзор тумани ободонлаштириш бўлими жамоаси ҳам кузги ишларни уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Шу кунларда 200 нафардан ортиқ ободончилар режадаги ишларни ўз муддатларида амалга оширишга астойдил бел боғлашган. Улар биринчи навбатда асосий эътиборни тумандаги марказий кўчалар, хиббон, бекатларни орталаш, тартибга келтириш, ариқ, зовур, қувур, ирригация шохобчаларини тозалаш, дархатларга шакл бериш, қуриган шох-шаббаларни шаҳардан ташқарига олиб чиқиш каби юмушларга қаратишган.

— Шу кунларда пойтахтимизда дархатлардаги сарғайган барглarning кўплаб тўкилаётганлиги кузатишмоқда, — дейди Чилонзор тумани ободонлаштириш бўлими раҳбари Ҳамза Холмуродов. — Бу фаслда хазон ва шох-шаббалар кўпайиб, фуқароларимиз томонидан кўпинча уларни ёқиб юбориш ҳолатлари учраб турибди. Бундай салбий ҳолатлар инсонлар орасида нафас олиш органлари, аллергик касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Шаҳримизда экологик мувозанатини сақлаш мақсадида хазон, шох-шабба, ахлат уюмларини ёқишга йўл қўймаслик учун туман ободончиларидан 150 нафари энг самарали чора-тадбирларни қўллашмоқда. Масалан, ишлар икки сменада ташкил этилган бўлиб, хазонлар компост чуқурларига тўкилмоқда. Бу юмушларда эса ишчиларга техника маддадор бўлмоқда.

Туман эҳтиёжига кўра ажратилган транспорт воситалари — юк машиналари, шатакли тракторлар, тиркамалар

ёрдами биринчи навбатда тумандаги Халқлар дўстлиги, Муқимий, Чилонзор, Арнасой, Қатортол каби шохкўчаларнинг доимо озода, саранжом-саришта бўлишига эътибор қаратилмоқда. Туман ободонлаштириш бўлимининг ғайрат-шижоатли жамоаси ахлига кузги хазонрезги мавсумда унумли меҳнат қилишларида Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимларининг туман аҳолиси ўртасида олиб бораётган тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари яхши самара бермоқда.

Жумладан, тўкилган хазон ва қуриган шох-шаббаларни йиғишга нафақат ободонлаштириш бўлими тасарруфидоги ишчилар, балки уй-жай мулкдорлари ширкатлари, «Махсустрас» бошқармаси, туман халқ таълими, ҳудудий табиёт, санитария-эпидемиология бўлимлари, тумандаги корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари ҳам кузги хазонрезги ишлари ҳамда тадбирларини ўз вақтида бажариш, хазонларни ёқмасдан махсус чуқурларга қўмиб чириштириш вазифаларини бажаришга масъулдирлар. Умуман олганда, ҳар бир фуқаро ўзи яшаб турган уйи, маҳалласи, тумани озода, саранжом-саришта бўлишига ҳиссасини қўшишни бурчи деб ҳисобласа, пойтахтимиз ҳавоси доимо мусаффо бўлиб, ноҳуш ҳолатларнинг олди олинади.



Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: ҳамшаҳарларимиз кузги хазонрезги юмушларини бажаришда фаоллик кўрсатишмоқда.

УНИВЕРСИТЕТ ЮБИЛЕЙИ

Давоми. Боши 1-бетда.

ТАТУда халқро алоқалар ҳам кенг йўлга қўйилган бўлиб, университет Ўзбекистон олақа ва ахборотлаштириш агентлиги ёрдамида турли хорижий олий ўқув юрталари, фирма ва компаниялар, халқро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Илмий-педагогик кадрлар, талаба ва аспирантлар Жануби-Шарқий Осиёнинг турли университетларида билим олмоқда.

Яқинда олий ўқув юртида Ўзбекистон-Ҳиндистон ахборот технологиялари маркази очилди. У Ҳиндистон ҳукуматининг дастурий таъминот соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш учун ажратган гранти ҳисобига ташкил этилди. Турли техник воситалар сотиб олинди, ҳиндистонлик маслаҳатчилар маъруза ўқиш учун таклиф этилмоқда.

Яна бир ўқув маркази Хитойнинг Huawei Technologies Co.LTD компанияси кўмагида ташкил этилди. У ўз йўналиши бўйича Марказий Осиёда ягона бўлиб, бир пайтнинг ўзида 100 киши учун тренинг ўтказишга мўлжалланган. Ўқув маркази рақамли коммуникация ва маълумотлар узатиш тизими, кенг поласали улашиш, симсиз тармоқлар, оптик узатиш тизими каби энг сўнгги технология йўналишлар бўйича ўқитишни таъминлайди. ТАТУ тингловчи ва талабалари жаҳон бозорида мазкур йирик компания томонидан тақдим этилаётган ускуналар ва илгор техник ечимларни ўрганиш имкониятига эга.

ТАТУда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида хотин-қизларни тайёрлаш маркази ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. Ушбу нотижорат таълим ташкилотидеда ўқувчилар Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларнинг экспертлари билан биргаликда АКТ соҳасида ўз касб маълумоти оширишни истаган хотин-қизлар учун қисқа муддатли ўқув курслари ўтказмоқда.

Мамалякатимиз Президентининг Фармониға кўра, Тошкент ахборот технологиялари университети ташкил этилганнинг 50 йиллиги муносабати билан ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришда алоҳида ўрнатқурсатган профессор-ўқувчилардан бир ғуруҳи давлат мукофотлари билан тақдирланди. Уларға Ватанимизнинг юксак мукофотлари топирилди. Йиғилишда сўзға чиққанлар ёшларға ғамхўрлик, республика таълим тизимини ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани учун мамлакатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик изҳор этдилар.

Йиғилиш қатнашчилари учун Ўзбекистон саныат усталари ва ёш ижрочиларининг концерти намойиш этилди.
Виктор НИКОЛАЕВ,
Ўза муҳбири

Биз барчамиз — истеъмолчимиз. Бинобарин истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқ ва манфаатларимиз Конституциямизда ўз аксини топган. Шу билан бир қаторда бу борадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, мувофиқлаштириш мақсадида 1996 йилнинг 26 апрелида «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун қучға кирган эди. Утган қисқа фурсат мобайнида мазкур меъёрий ҳужжат ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги барқарор вазиятга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

Мақдониёт

ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАР КАФОЛАТИ

Бироқ Қонун моддаларининг илмий истилоҳларға мослигини, ифодланаётган фикрларнинг маълум мутахассислик доирасида бўлганлиги боис, унга махсус шарҳ истифода этиш зарурати туғилганди. Бу эҳтиёж аҳамиятини тушуниб етган бир қатор етакчи олимларимиз ушбу Қонунға шарҳ китобини яратиш тақдирини ўртаға ташлашди. Ниҳоят узоқ изланишлар самараси сифатида «Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги «Қонунға шарҳ» китоби яратилди ва «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилди.

Мазкур китоб иқтисод фанлари доктори Галина Саидова, юридик фанлари докторлари профессорлар-Икром Зокиров, Мирзаюсуф Рустамбоев ҳамда бир қатор олимлардан иборат муаллифлар жамоаси томонидан нашрга тайёрланди.

Куни кеча Тошкент Давлат юридик институти, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятири федерацияси ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамкорлигида ушбу шарҳ китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда юқорида таъкидлаб ўтилган ташкилотлар билан бир қаторда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Иқтисодий, Адлия вазирлиги вакиллари, «Ўзбекенгил санаот» давлат уюшмаси раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Анжуманда Олий Мажлисининг ин-

сон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси Галина Саидова, «Камолот» ЕИҲ Марказий Кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев, Республика Оксқоқлар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси ўринбосари Аҳрор ўринбоев ва бошқаларнинг фикр-мулозалари тингланди.

Таъкидлаб ўтилганидек, Истиклол йилларида фуқароларнинг истеъмол маданиятини ошириш давлатимиз ички сиёсатининг устувор жиҳатларидан бириға айланди. Айниқса, бу борада махсус Қонуннинг қабул қилиниши соҳани ривожлантириш борасида ҳуқуқий базани яратиб берди.

—Бу борадаги имкониятларимизнинг янада кенгайишида муаллифлар жамоасидан миннатдор бўлсак арзийди, — дейди Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациялари раиси вазифасини бажарувчи Рустам Ҳақимов биз билан суҳбатда. —Кенг жамоатчилик ҳужмиға хавола этилаётган ушбу китоб фуқароларимизнинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқлари давлатимиз қонунлари билан қай тарзда кафолатланганлиги, бу борадаги қандай қонуний ҳужжатларнинг шакллантирилганлиги, товар сотиб олиш, иш, хизматлар буюриш, буюртма бериш, ундан фойдаланиш жараёнида ўзининг истеъмолчи сифатида қандай ҳуқуқлари борлигини билиш имконини беради.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Иқтисодиёт

БАРЧА МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Мирзо Улуғбек туманидаги «Gerbafarm» хусусий корхонасининг фаолияти юртимиздаги ўсимликлар олами билан чамбарчас боғлиқ. Чунки жамоа ахли халқ табаотида кенг қўлланиладиган шифобахш гиёҳлар билан даволашға муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Мазкур хусусий корхона 1995 йилда иш бошлаган бўлса, ҳозирги кунға келиб бу ерда 46 турдан ортиқ доривор ўсимликларға қайта ишлов берилиб, қулай қадоқланиб савдоға чиқаришмоқда. Эътиборли томони, корхонанинг барча маҳсулотлари сертифицикелланган.

Доривор Гиёҳлар — хом ашё асосан Тошкент вилоятидаги Бустонлик, Паркент туманларидан, Қашқадарь, Наманган, Сирдарё вилоятларидан териб, саралаб келтирилади. Ушбу гиёҳлар узоқ асрлардан буён халқ табаотида беморларни турли хасталиклардан даволашда самарали қўлланиб келинганиги билан эътиборға молик. Касбиға меҳр қўйган гиёҳшуносларнинг сазй-ҳаракатлари туфайли кўплаб янги доривор гиёҳлар тайёрланмоқда.

Масалан пол-пола деб номланган доривор ўсимлиги киши организмидаги тузаларни эритувчи ҳисобланса, дўлана гижжа туширувчи, пижма, солонкалар юқори нафас йўллари даволовчи самарали воситадир. Уларни пойтахтимиздаги ҳар бир дорихонадан сотиб олиш мумкин. Пакетчаларда эса доривор гиёҳни тайёрлаш усуллари содда, раван, тушунарли тарзда беморларға тавсия этилади.

Корхона тадбиркорлари доимо изланишда. Чунки ички бозоримизни доимий, чуқур ўрганиш орқали янги муваффақиятларға эришиш мумкинлигини вақтининг ўзи кўрсатмоқда. Йил охиригача жамоа аъзолари 2 турдаги янги махсулот ишлаб чиқаришни эзгу мақсад қилган ҳолда ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Шайхонтоҳур туманида фаолият юритаётган хусусий тадбиркор Вазира Насимова оилавий бизнесни йўлга қўйди. У қизлари, келинини ишға жалб қилган ҳолда кўрпа, тўшак, парда, бешик анжомлари, чойнаққоққоқ, елликчи, жойнамоз, чойшаб каби кўзларни қувнатувчи махсулотларни ҳам тайёрламоқда.


Кўли гул аёлларнинг меҳнати самараси уларок, 25 хилдаги бир-биридан чиройли, бежирим, чидамли миллий махсулотлар тикилмоқда. Бунда улар Россия ҳамда Германиянинг юксак самарали тикув машиналаридан унумли фойдаланмоқдалар.

Хусусий тадбиркор буюртма асосида попоқчилик махсулотларини ҳам тикишни йўлга қўймоқчи.

Дилноза УБАЙДУЛЛАЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси.

ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИККА МАСЪУЛМИЗ

Жамоат тартибини сақлаш, жиноятларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликка йўл қўймаслик... Бу сўзлар ортида заҳматли меҳнат, уйқусиз, бедор тун, беҳаловат кунлар, касбига садоқат, она-юрт тинчлиги, осудалигига масъуллик каби қатор сифатлар турибди. Азиз газетхон, сиз аллақачон қайси касб соҳиблари ҳақида сўз юритаётганлигимизни англаётгандирсиз. Ҳа, бугун илиқ калъимизни ички ишлар идоралари ходимлари шаънига бағишламоқдамиз. Улар эл осойишталигини сақлашдек масъулиятли вазифани сидқидилдан адо этиб келмоқдалар. Биз Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник Анвар МУСАЕВ билан бугунги кунда шаҳар ички ишлар тизимида амалга оширилаётган ишлар ҳақида суҳбатладик.



— Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар жараёнида элу юрт тинчлигини сақлаш, жиноятларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликка йўл қўймаслик каби масъулиятли касбини танлаган ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор албатта, — дейди Анвар Мусаев. — Тавқидлаш жоизки, республика Президентининг тегишли Фармонида мувофиқ ички ишлар тизимида ҳам қатор янгилликлар юзага келди. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, касб маҳоратини ошириш масалаларига ёндашув тубдан ўзгарди. Ички ишлар вазирлиги академияси ҳузурида сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслар очилди. Дарвоқе, бундай тизим МДХ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда яратилди. Яна ўтган йили Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Ички ишлар идоралари ходимларини ижтимоий ҳимоялаш, маляка тоифасини белгилаш бўйича маълум ишлар амалга оширилди. Узини билим жиҳатидан ҳам, иш жараёнида, жиноятларнинг очилишида, қисқаси ҳар томонлама ибрат кўрсатган ходимлар рағбатлантирилди. Айтмоқчиманки тизимда бўлаётган ўзгаришлар сабаб шахримизда тезкор вазият қанчалик ўзгариб турмасин ходимларимизнинг кеча-кундуз олиб бораётган заҳматли меҳнатлари боис барча турдаги жиноятларнинг тобора қисқаришига эришмоқдамиз.

— Содир этилган жиноятларнинг тез, “излар совумасдан” очилишида кимнинг ҳиссаси кўпроқ бўлади?

— Албатта ички ишлар идоралари ходимларининг касб маҳорати, юқори малякаси биринчи ўринда туради. Бугунги кунда ҳар бир ходим жойларда ўқитилиб, тажрибали мураббийларга бириктириб қўйилади. Маълум вақтларда, масалан ҳар чоракда учрашувлар ўтказилиб, иш ўрганиш жараёнлари кузатиб борилади. Ҳозирги кунда шахримизда

пост-патруль хизмати ва йўл патруль хизмати гуруҳларидан иборат — “Халқа” гуруҳлари кеча-кундуз иш олиб бормоқда. Уларнинг ўз йўналишлари бўйича худудлар мавжуд. Улар хизмат жараёнида керак бўладиган барча замонавий алоқа воситалари ва анжомлари билан таъминланган. Ҳар бир берилаётган хабар навбатчи томонидан дарҳол жойларга етказилади ва жиноятнинг ўша ерда очилиши учун имкон яратилади.



Булардан ташқари ҳар бир туман ички ишлар бошқармаларида навбатчилик қисмлари, милиция таянч пунктлари бор. Уларда кеча кундуз навбатчилик ташкил этилган.

— Маълумки, бутун дунёда “аср вабоси” деб бонг урилаётган гиёвандликнинг олдини олиш, ўсиб келаётган ёшларни унинг домига тушиб қолишдан сақлаш бўйича қатор ишлар олиб боришмоқда. Бу борадаги юмушлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш бугунги кун талаби. Шундай экан, шу юрт фуқароси бўлган ҳар бир инсон, у қайси соҳа ходими бўлмасин

бу ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўйиши лозим. Фуқароларнинг саломатлигига раҳна соладиган, болаларнинг майиб-мажруҳ туғилишига сабаб бўладиган ўта оғир жиноятлардан бири бу — наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятлардир. Ўтган тўққиз ой давомида икки босқичда ўтказилган “Қорадори — 2005” тадбири давомида жиноятчилардан 13 килограммдан ортиқ героин, 11 килограммдан ортиқ опий, 94 килограмм марихуана, 115 килограмм кўкнори тортиб олинди. Булардан ташқари шахримиз барқарорлиги, тинчлигини таъминлаш, террористик ва кўпуровчилик ҳаракатларининг олдини олиш йўлида махсус “Антитеррор” — тезкор, профилактик тадбири, “Тозалаш”, “Арсенал”, “Қидирув”, “Назорат”, “Турмуш”, “Хонадон”, “Орият” каби тадбирлар мунтазам ўтказиб келинади.

— Маълумки, айни вақтларда маҳаллаларда иш олиб бораётган профилактика инспекторларининг фаолияти ҳақида анча айланиб фикрлар эшитилмоқда.

— Тўри, маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, жиноятларнинг олдини олиш бўйича профилактика инспекторлари ва уларга яқиндан ёрдам бериб келаётган посбонларнинг ҳамкорлиги яхши самара бермоқда. Ҳозирги кунда шахримизда 460 та миллия таянч пунктлари мавжуд бўлиб, уларда 1118 нафар профилактика инспекторлари фаолият юритмоқда. 460 нафар сардор ва 4243 нафар посбонлар эса уларга яқин кўмакчи. Айтиб ўтиш жоизки, ўтган ўн ой ичида содир этилган жиноятларнинг 72,8 фоизини очишда улар иштирок этишган, 1118 та жиноят эса посбонлар, 5737 та жиноят профилактика инспекторлари томонидан фож этилган. Бугунги кунда уларнинг бундан ҳам самаралироқ фаолият юритишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

— Ҳамкасбларингизга қандай тилакларни билдираёдингиз?

— Аввало юртимиз тинч, мустакиллигимиз абадий бўлсин. Ҳар бир хонадонда осудалик ҳукм сурсин. Элу-юрт осойишталигини таъминлашдек заҳматли, айни вақтда зарур, шарафли касбини танлаган ички ишлар идоралари

хошимларини ҳеч қачон сергаклик, хушёрлик, мардлик ва жасорат тарк этмасин.

Шу ўринда биз ҳам академик шоиримиз Фафур Фуломнинг: “Йигит омон бўлса хавф хатар йўқ, қалқон бор, қалъа бут, кўрган саломат” деган аjoyиб сатрларини келтириб ўтишни жоиз деб топдик. Ҳамиша соғ-саломат бўлинг, хонадонимиз, маҳалламиз, юртимиз тинчлиги пос-бонлари!

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ходимлари фаолиятдан лавҳалар.

Ҳакимжон Солихов олган суратлар.

ИСТЕЪМОЧИЛАР ЭҶТИЁЖЛАРИ ЭЪТИБОРГА ОЛИНМОҚДА

«Тезинтом» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида илғор технологиялар асосида юқори сифатли ва арзон маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлига қўйилди. Бу ерда шампунь, гель, суялтирилган совун, маиший-кимё воситаларини ишлаб чиқариш бўйича янги линия ишга туширилди.

Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми йилга 720 тоннани ташкил этади.

Корхона ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва аҳоли бандлигини ошириш дастури доирасида ривожлантирилмоқда.

Бозор шароитида истеъмолчилар эҳтиёжларига эътибор нафақат маҳсулот

турларини кўпайтириш, балки унинг сифати ҳақида қайгуришни ҳам талаб этади. Маҳсулотнинг янги турларини яратишда фойдаланиш хусусиятларга эга табиий хом ашёлардан ҳамда машҳур «Henkel» концерни вориси — Германиянинг «Cognis» компанияси технологиялари ишлаб чиққан махсус қўшимча-

лардан фойдаланилди.

Ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан маъқулланган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг физик-кимё ва микробиологик кўрсаткичларининг тасдиқланган меъёрларга мувофиқлиги устидан қатъий назорат ўрнатилган.

Пойтахтимиздаги кўпгина гўзаллик салонлари янги косметик ювиш воситаларига кизиқиш билдирмоқда. Улар корхонанинг доимий ююрт-мачиларига айланиш ниятида. Мутахассисларнинг фикрича, бу маҳсулотлар сифати қиммат турадиган хорижий ювиш воситалариникидан қолишмайди. Тез орада «Тезинтом» тамгаси қўйилган товарлар пойтахт дўконлари пештахталарида пайдо бўлади.

Бундан ташқари, қўшма корхона улгурчи савдонини йўлга қўйиш мақсадида ўзининг фирма дўконини очишни режалаштирган.

ЎЗА

Маълум

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРГА СТИПЕНДИЯ

Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти ўзининг нуфузли стипендиясини жорий этди. Иқтидорли талаба-ёшларни рағбатлантириш учун белгиланган бу стипендия номзодлари Тошкент Ахборот технологиялари университетида танланди.

Жамият раёсати қарори билан бундай имтиёз олий ўқув юртининг ахборот технологиялари, радиотелевидение, телекоммуникациялар тизимлари факультетларининг беш нафар умидли ёшларига бериладиган бўлди.

Улар 2005-2006 ўқув йилида ана шу имкониятдан баҳраманд бўладилар.

УСТОЗЛАР ЮЗИ ЁРУФ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида битирувчи бакалавр ва магистрлар учун аукцион ўтказиш яхши анъанасига айланиб қолди. Бу сафарги бундай тадбир ҳам қутилган натижани берди.

“Ўзбекенгилсаноат”, “Ўзбек ипаги”, “Ўзбекармпойабзал”, “Ўзбек қозғоғи” каби акциядорлик жамиятлари вакиллари иштирокида уюштирилган аукцион чоғида янги иш ўринларига олий ўқув юртининг талабига битирувчи талабаси қабул қилинди.

Бугунги кунда ёш мутахассисларни турли наشريётларда, Давлат мулк қўмитаси идораларида ҳам учратиш мумкин.

Банк, молия, солиқ бошқармаларига йўлланма олган ёшлар ўзлари танлаган ихтисослик бўйича ишлаб, жамоалари ишончини қозонмоқдалар.

ТРАНСПОРТЧИ ОЛИМГА МУКОФОТ

Тошкент автомобиль йўллари институти республикадаги транспорт корхоналари учун кўплаб малакали ёш мутахассисларни етказиб бermoқда. Олий ўқув юртининг “Тошшаҳар йўловчи транс” акциядорлик компанияси билан ҳамкорлиги ҳам кадрлар тайёрлаш сифатига ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Институт кафедраларида компания таркибидаги корхоналар билан тузилган шартномалар қутилган натижаларни бермоқда. Бунда олий ўқув юрти доценти Эргаш Шараевнинг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Олимнинг талаба-ёшлар билан транспортларни бошқариш маҳорати бўйича олиб бораётган амалий машғулотларидан кўпчилик мамнун.

Бу соҳадаги фаолиятини муносиб тақдирлаб, компания бошқаруви уни “Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспортини фахрий ходими” деган нишон билан мукофотлади.

Ақбар АЛИЕВ

Мамлакат

Ўзбек қизлари ҳар соҳада етук билимга ва касб-хунарга эгаллиги, оқиладоно ҳамда лобарлиги, гўзаллиги, шунингдек, ҳаё ва ибоси, латофати билан танилган. Бу айниқса мамлакатимизда қизлар ўртаёда ўтказиб келинаётган турли хил танловларда яққол намоён бўлмоқда.



ИСТЕЪДОД ЭГАЛАРИ

Жумладан, Президентимизнинг 1999 йилдаги «Зулфия номидаги Давлат мукофоти» таъсис этиш борасидаги тақдирларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонидан сўнг мана бир неча йилдирки, мамлакатимизда «Зулфияxonим қизлари» кўрик-танлови ўтказилиб, унда истеъдодли қизлар орасидан энг саралари Зулфия номидаги Давлат мукофотига тавсия этилмоқда. Бу йил ҳам анъанага мувофиқ шахримизда мазкур мукофотга номзодларни саралаш бўйича «Зулфияxonим қизлари» кўрик-танловининг туман босқичлари муваффақиятли ўтказилди.

қизларнинг билим ва маҳоратларини муносиб баҳолаб бордилар.

— Севимли шоиранимиз номидаги шундай нуфузли мукофотга муносиб қизлар сафи йилдан йилга ортиб бораётганлигидан фахрлансак арзийди, дейди танловнинг хайъат аъзоси шоира Кутлибека Раҳимбоева. — Қизларимизнинг ўзлари кизиққан соҳада етук билимга эга эканликлари, айниқса санъат ва адабиётга кизиқишлари, иқтидорларини кўриб хурсанд бўлдим. Бу қизлар келгусида мустақил Ўзбекистонимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшадилар, деган умиддаман.



ДИЛОРОМ ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: «Зулфияxonим қизлари» кўрик-танловининг Мирзо Улуғбек туман босқичдан лавҳалар. Наталья Семёнова олган суратлар.

Маслаҳатлар

АЖИН ТУШИШИДАН САҚЛАНИНГ

10 грамм хамиртурушни зайтун мойи билан қаймоқ ҳолига келгунча аралаштирилади. Тайёр аралашмани юзга суртиб 20 дақиқадан сўнг пахта ёрдамида илик сув билан тозаланиб ювилади. Зайтун мойи ўрнига сўдан фойдаланса ҳам бўлади.

Бир донна тухум саригини олиб 15 грамм зайтун мойи билан яхшилаб аралаштирилади. Ҳосил бўлган аралашмани юз ва бўйин териларига суртиб, энгил укаланади. 15-20 дақиқа ўтгач илик сув билан пахта ёрдамида артиб ташланади.

1 чой қошиқ арпа /овсянка/ унига помидор, шафтоли, лимон, апельсин ёки бод-

ринг шарбатидан 1 ош қошиқ қуйилади. Хом сўт ёрдамида аралашмани бўтқа ҳолига келгунча аралаштирилади. Ниқоб юз ва бўйин соҳаларига суртилади. Ушбу ниқоб терини тозалаб озиклантиради ва майинлаштиради. Мазкур ниқоб юзда 20-30 дақиқа туриши шарт.

Бир бўлак банани киргичдан ўтказиб бўтқа ҳолига келтиришда, яхшилаб юзингизга суртинг. 10-15 дақиқадан сўнг ювиб ташланг. Ушбу муолажа юзингиз терисини майинлаштиради ва чирой бағишлайди. Юзларим жозибдор бўлсин десангиз табиий ниқоблардан фойдаланинг. Бу албатта сизга асқотиб, чиройингизга чирой кўшади.

Фазилатим — фозилалигим

НАЗОКАТЛИ БЎЛИНГ

Қадимдан ота-боболаримиз ўзингдан каттага тик қарама, деб насихат қилишган. Нафақат каттага, ҳатто қизлар кўча-кўйда йигитларга тик қарамасди. Улар дил сўзларини шойи кийик, чуст, кўкун дўппиларга ипак билан тикиб ёки рўмолчага битиб ифодалашарди.

Чунки хотин-қизларга муносиб ва ярашиқли андиша ва назокат фазилати устун турарди. Бу ўз ўрнида қиз-жувонларнинг гўзаллигини оширган. Иродадан фарқли ўларок андиша ва назокат кўзга яққол кўринади, у гўзаллик билан уйғунлашиб, ўзига тартади, махлиё айлайди.

Айтайлик, сиз чой куйиб узатмоқчисиз. Уни пиёлага «шариллатиб» эмас, балки пиёлани чойнакка яқин тутиб, охишта куйдингиз. Кейин илтифот билан бир кўлингизни кўксингизга қуйиб, иккинчи кўлингиз билан охишта узатдингиз. Сиздан чой кутиб турган рўпарангиздаги киши ҳаракатингизни кузатиб турибди. Назокатингиздан кўзи қувнапти. Мехри ошяпти. Баъзи келинлар пиёлани узатганда кўлга бермасдан дастурхонга қўйишади. Бу ўтaketган кўполик ва ҳурматсизликдир.

Бу фазилат хотин-қизларнинг ҳар бир ҳаракатида мужассам бўлмоғи даркор. Айниқса, қайнона ва қайнона олдида, эр ишдан қайтган пайтда уни кутиб олишда, ҳатто ошхонада иш қилганда ҳам. Яъни идиш-товоларнинг «о-тукур» шуши бошқаларга эш. йлмаслиги. Ўзининг нечоғлик тўғри ҳаракат қилаётганингиздан, назокатингиздан далолатдир.

Андиша ва назокат кўпроқ рақсларда ҳам мужассам бўлади. Севимли рақосамиз Мукаррама Турғунбоева сахнада «Тановар»ни ўйнаётганини кўз олдингизга келтириш. Уни томоша қилган киши бу хислатнинг завқу тароватидан баҳраманд бўлади. Маданий меросимизга, миллий рақсларимиз охирига, ҳатто миллий кийимларимиз чиройига ҳурмати, қизиқиши ортади. Бунинг устига рақс ижрочисига ярашиқли билан эсда қолади. Опа «Тановар»да рўмолни бошига дол ўраб, бекасам камзул кийиб сахнага чиққанларининг ўзидаёқ юз ифодаларида чинакам ўзбекона ибод, андиша, ноз-карашма уфурарди. Назокат баъзан кўзга кўринмасдан ҳам эҳтирос уйғота олади.

Бу воқеага анча бўлди. Хонада учтўрт аёл ўтирардиқ. Таҳририятимиз раҳбари кирдилар. Ҳар куни ерталаб хонама-хона юриб, ходимлар билан салом-алик қилиб чиқадиغان одатлари бор эди.

— Қойилман шу аёлга (таникли шоиралардан бирининг исмини тилга олади) телефонда гаплашайтганда ҳам нозу назокати билан одамни ром этади-я? Биз бир-биримизга қарадик.

— Шунақаям бўларканми — деб сўради шеригим.

— Бўлади. Ҳар бир сўзининг оҳангидан, овозидан олам-олам назокат, ноз уфурарди, қанийди ҳамма аёллар шунақа чиройли гапира олса.

Андиша ва назокат фақат ўзбек миллиятига мансуб. Уни ота-боболаримиз, момоларимиз тарбия жараёнида бизга сингдиришган. Шундай экан, ҳар биримиз уни ўзимизнинг қалб мулкимизга айлантириб, ҳар томонлама тўла ифодали олишга, гўзаллик яратишга уринмоғимиз лозим.

Муқаддас СОЛИХ кизи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Аёл борса, олам мунаввар
ҲАЁТ БОҒИНИНГ
ГУЛЛАРИ
Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг саҳифаси

Мамлакат опа шахримиздаги 24-Меҳрибонлик уйида 33 йилдирки болаларга таълим тарбия бериб келмоқда. Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ватандошларимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Улар қатори 24-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Мамлакат Исмоилова ҳам «Шухрат» медаллари билан тақдирланди. Бу юксак унвон оловнинг захматли меҳнатларига берилган олий мукофот эди.

Ҳишондорларимиз

МЕҲРИНГИЗДАН НУР ЁГИЛСИН

Аёлларнинг хусни-жамоли, меҳру-муҳаббати, сабру-тоқати, фидойи ва заҳматкашликлари ҳақида кўп ва ҳўп ёзганмиз. Ҳар қанча таърифу тавсиф барибир камдек туюлаверарди. Негаки аёллар жамиятимизнинг энг меҳрибон, софдил ва бағри кенг устунлари ҳисобланадилар. Улар билан ҳаёт ҳамisha гўзал ва мазмунлидир. Сизга таништирмақчи бўлган мақолаимиз қаҳрамони ҳам жисму жонини, бор меҳрини, ҳаётини кўнгли ўқисик болажонларга бағишлаб, уларни бағрига босиб, эркалаб ўрни келса қойиб, қаттиққўллик қилиб тарбиялаб келаётган тарбиячи аёл Мамлакат опа Исмоиловадир.



ишлайётган ҳар бир ходим фидойи ва заҳматкашдир. Дарҳақиқат, ота-она меҳрижонлар, уларнинг порлоқ келажиги учун бу масканда барча шароитлар мужассам. Болажонларни тарбиялашда 60 нафар ходим сидқидилдан хизмат қилмоқда. — Меҳрибонлик уйимиздаги қилинаётган саховатли ишларнинг барчаси болажонларнинг яхши тарбияланиши, етарлича билим олишлари учундир, — дейди 24-Меҳрибонлик уйи директори Доно Ҳафизова. — Ҳозирги кунда бу ерда 8 хил тўғарак ташкил қилинган бўлиб, болалар етар-

лича билим олмақдалар. Малакали мутахассислар, психолог, мусикачи, ҳамшира, компьютерчи ва бошқа соҳа ходимлари орқали болалар ўқишни, ёзишни, чизишни, куйлашни ўрганиб, ўзларига керакли барча билимларни олишмоқда. Мамлакат опа ҳақида эса энг илиқ гапларни айтиш мумкин. Меҳрибон она, жонкуяр тарбиячи, изланувчан ходим. Биз улар билан фахрланамиз.

Ҳа, ўқисик дилларга малҳам бўлиш вақтида юпатиб, керак пайтда қойиш ва шунинг баробарида бутун борлигини, меҳрини болажонларга бериб тарбиялаш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Истардикки, меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган ҳар бир боланинг қалби Мамлакат опа сингари тарбиячиларнинг меҳру муҳаббати билан тўлиб-тошсин. Улар ҳам келажакда ён-атрофдагиларига меҳр бўлоғига чўлган нурли, чакноқ кўзлари билан боқиб, оламни мунаввар этсинлар.

Дунёларни тутиб кетсин ифборларинг, Меҳр тафтинг ювиб кетсин гўборларни, Болам дегин, жоним дегин, эркалатгин! Меҳрибонлик уйидаги болаларни... Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТДА: 24-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси, «Шухрат» медал соҳиби Мамлакат Исмоилова болажонлар даврасида.

Маслаҳатчи минбари

КУЮНЧАКАНИК БИЛАН ЯШАШ КЕРАК

Оиланинг саранжом-сарихталиги, осойишталиги, файзу баракаси, фарзандлар тарбияси кўп жиҳатдан онага, аёлларга боғлиқ эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Шунингдек, аёл — келажак авлодни яратувчи меҳру саховатли, сабру қаноатли, муқаддас ва улуг зотдир. Шунинг учун мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги

маҳалла ва ҳомийлар томонидан ҳар байрам кунлари моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, аёл — келажак авлодни яратувчи меҳру саховатли, сабру қаноатли, муқаддас ва улуг зотдир. Шунинг учун мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мамлакатимиз хотин-қизлари ҳаётида туб бурилиш ясади. Айниқса Фармонга мувофиқ маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимининг тайинланганлиги нур устига аъло нур бўлди. Ушбу вазифада аввало албатта халқпарвар, ҳар томонлама етук, ҳам диний, ҳам дунёвий билимга эга, аёлларни тушуна оладиган, ҳаёт тажрибасига эга ва ўзи бошқаларга ўрнак бўла оладиган аёллар ишлашлари керак, деб ўйлайман.

«Кўш тилини қўш билди», деганларидек аёлларнинг дардини, оилавий муаммоларини, фарзандлар тарбияси бўйича турли хил масалаларни фақат аёлларгина тушунади. Шунинг учун аёлларнинг ҳар бир хонадонга бемалол кириб бориб, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишга киришишлари эркақларга ниобатан энгилроқ. Мана, ўтган йилдан буюн мен ҳам Чилонзор туманидаги «Хирмонтепа» маҳалласида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасида ишлаб, самарали ишларни амалга оширишга ҳаракат қилганман. Аввало ишни маҳалла фаоллари билан бирга оилаларга кириб танишиб, уларнинг муаммоларини ўрганишдан бошладим. Шундай аёллар бор, кимга дардини айтишни, кимдан маслаҳат сўрашни билмай, ташвишу гамга ботган. Ана шундай вақтда уларга маслаҳат ва кўмак беришда маслаҳатчининг ёрдами жуда асқотади. Бу маслаҳатчи ишининг асосини ташкил қилади. Иш тажрибамда шу нарса маълум бўляптики, маҳалла аёллари билан суҳбатлашиб, улар моддий ёрдамдан кўра маънавий кўмакка кўпроқ муҳтож эканликларини тушунадим. Айниқса, ёлғиз кексалар, ногиронлар, ҳомилдор аёллар биз билан тез-тез суҳбатлашиб ту-

ришни хошлашади. Маҳалла-дегандида 9670 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шулардан ёлғиз қариялар 30 та, кўп болали аёллар 40 та, кам таъминланган

маҳалла ва ҳомийлар томонидан ҳар байрам кунлари моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, аёл — келажак авлодни яратувчи меҳру саховатли, сабру қаноатли, муқаддас ва улуг зотдир. Шунинг учун мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

қизлар саломатлиги, одоб-ахлоқи, уларни турмушга тайёрлашга айниқса жиддий эътибор қаратганмиз. Мана шуларни назарда тутган ҳолда маҳалла гузариди турли соҳа мутахассислари билан аёллар, ёшлар, қизлар ўртасида «Соғлом оила — соғлом жамият», «Қиз бола — бўлғуси она», «Гивандлик — умр заволи», «Қиз бола ҳаёси билан гўзал» шунингдек, «Еш келин-куёвларни тиббий кўриқдан ўтишларининг аҳамияти» сингари кўпжа мавзуларда даража суҳбатлари, турли хил кизиқари учрашувлар ўтказиб келяпмиз.

Бундан албатта маҳалламиз аҳли хурсанд. Чунки улар бундай учрашувларда ўзларини кизиқтирган саволларга мутахассислардан етарлича жавоб олишмоқда. Шу билан бирга маҳалла гузариди қизларни хунарга ўргатиш мақсадида тикиш ва тўқиш бўйича тўғарак ташкил этганмиз. Маҳалламизда ишсизларни иш билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиб, ҳар ойда ўртача 10 та аёлни ишга жойлаштиришга муваффақ бўляпмиз. Албатта келгусида қиладиган ишларимиз кўп. Халқ бизга сўянади, ишонади. Шундай экан, маҳалламиз аҳлининг ўзаро тинчлиги, саломатлиги, бахту саодати йўлида



оилалар сони 186 та, фертил ёшидаги аёллар эса 1080 нафардан иборат. Ана шуларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш биз — маҳалла фаолларининг асосий диққат-эътиборимиздадир. Шунингдек, ичкиликка ружу қўйган оилалар, гивандлик кўчасига кириб қолган ёшлар билан алоҳида иш олиб бормоқда. Мана, яқинда 2 нафар гивандликка ружу қўйган ёшларни бу йўлдан қайтаришга уриниб, уларни мактаб-интернатга топширдик. Мана шундай ёшлар ўртасида кўпроқ тарбиявий иш олиб бормоқдамиз. Бундан ташқари маҳалламиздаги 40 га яқин нотиқ оилаларни аниқлаб, уларга керакли маслаҳатлар бериб, тинчлантиришга эришдик, ҳомилдор аёллар биз билан тез-тез суҳбатлашиб ту-

қўлимиздан келган барча эзгу амалларни, саъй-ҳаракатларимизни аямаслигимиз зарур деб ўйлайман.

«Маҳалланг — ота-онанг» деб беҳиз айтилмайди. Мана шу нақлга амал қилган маҳалладошларимиз маҳалла фаолларининг ҳар бир маслаҳатларини жон деб қабул қилишди ва ҳар бир талбирда фаол алоҳида иш олиб бормоқда. Мана, яқинда 2 нафар гивандликка ружу қўйган ёшларни бу йўлдан қайтаришга уриниб, уларни мактаб-интернатга топширдик. Мана шундай ёшлар ўртасида кўпроқ тарбиявий иш олиб бормоқдамиз. Бундан ташқари маҳалламиздаги 40 га яқин нотиқ оилаларни аниқлаб, уларга керакли маслаҳатлар бериб, тинчлантиришга эришдик, ҳомилдор аёллар биз билан тез-тез суҳбатлашиб ту-

Бусора ТИЛЛАҲУЖАЕВА, Чилонзор туманидаги «Хирмонтепа» маҳалласининг маҳалламиздаги 40 га яқин нотиқ оилаларни аниқлаб, уларга керакли маслаҳатлар бериб, тинчлантиришга эришдик, ҳомилдор аёллар биз билан тез-тез суҳбатлашиб ту-

Тил байрами кунда бу яна бир бор ўз ифодасини топди. Мактаб ва коллежлар, лицей ва олий ўқув юртлири, маданият уйлари ва маҳалла гузарларида тилимининг нафислиги ва латофати, бойлиги ва жозибаси, сеҳри ва таъсир кучи ҳақида мароқли маърузалар қилинди. Катта ва кичик сахналарда нодир адабиётимизнинг олтин саҳифалари яна варақланиб, миллатимиз рамзига айланган адабий ва абадий қаҳрамонларимиз гавдаланди. Дилнинг энг нозик торлари чертилиб, сизни сеҳрлаб, соодат, покланиш, юксалиш уммониға фарқ қиладиган байтлар янгради.

Қалблар жунбушга келадиган ана шундай онларда беихтиёр устоз адиб Абдулла Қаҳҳор бежиз сўзни атомга киёс қилмагани ёдга тушади. Албатта гап бу ўринда борлиқни остин-устун, қиёмат қойим қиладиган вайрон куч ҳақида эмас, балки инсонга ўзга сайёраларни забт этишга қодир мислсиз қудрат баҳшида қила оладиган бунёдкорлик салоҳияти ҳақида бораётганлиги изоҳ талаб этмас керак.

Бу ҳақда мушоҳада юритар экансиз, ўзбек тилимиз, Истиқлол йилларида ҳеч мулоҳазасиз иккинчи баҳори, ёшлигини кечираётганлигини фахр-ифтихор ҳис-туйғуларига тўлиб-тошасиз, унинг жамиятдаги янгилиши ва ўзгаришлар, янги авлодларимиз дунёқарашларини шакллантириш, қалбларга эзгулик уруғини сочиш, нафислик, бетакорликни кашф этиш, қамолат пиллопоялари сари етаклашдаги аҳамияти улканлигини қайта-қайта эътироф этасиз.

Айни вақтда тилинг шох маънавияти, маданияти, ахлоқиға таъсири ҳам жуда аҳамиятлидир. Адиб бўлсин, оддий фуқаро бўлсин топиб, ўз ўрнида ишлатган сўз фикрни гўё яшиндек қакнаби юзбасди, сўхбатга жон киритади. Халқ оғзаки ижоди, мақол ва маталлар, ўхшатиш, қочирликлардаги бу сўз дурдоналари асрлар шоҳ тилимизини ўта бойлиғига гувоҳлик бериб келмоқда.

Ҳам мутоз, ҳам замонавий шеърийатимизнинг энг яхши намуналари-ку сўз уммонидан излаб топилган инжулар шодасидек сержило, мусаффолиғи, шу билан бирга маъно мазмуни билан китобхонни лол қолдиради, ҳайратга солади.

Бу нафис сўз санъати шу боис ҳам халқимизда ўта қадрланиб келинган. Уша умумэтироф этилган "Шарқ Уйғониши" даврларида шоҳ ва хон саройларидагина эмас, оддий фуқароларимиз хонадонларида ҳам мушоиралар ўтказиш, шеърхонлик оддий воқелик бўлганлиғиға тарих гувоҳ. Ўзбек адабиётининг энг сара, шоҳ асарлари таққилган мустанлақа йилларининг гоят машаққатли дамларида ҳам чинакам нафис сўз мухлислари яшириб сақланаётган китоблардан руҳий озиқ олганлар. Жумладан, қаминга иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда кишиниғ узун тунларида оқшом пайт эшик олдиға ағдариб кетилган кўсакларни лампа чироқлар шуъласида чувиш пайтида дарвоза қулфланиб, маҳфий жойдан кўз-қулоқ бўлиб эҳтиёткорлик билан олинган Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар"и оиладаги қироати маъқулроқ кимса томонидан шошилмай, охиста овоз чиқариб ўқилгани кечагидек ёдда.

Болакай бўлсак-да асардаги тилинг бойлиғи, у насрда эмас, гўё назмда битилгандек ҳис этилишини англай олардик. Айниқса Отабек ва Кумушнинг бир-бирлариға мактублари бизни ларза қолдиради. Ахир "...якинроғингизда ўлмак учун, ўлар эканман, сўнг дақиқамда яна бир маротаба бўйинғизни олиб ўлиш учун душман томонидан уйингизға очилган туйнукчаға кирдим. Кирдим-да, сизни бўйинғизни олдим, ҳадиғ тин олгандаги латиғ ухлагон товшингизни эшитдим...". Сиз олажанобсиз, эски қадрдонлик ҳурматиға кўнгли учун қулиб боқарсиз. Лоақал шугина билан ҳам бахтисизни маъсуда қиларсиз... Ниҳоят мақсадим икки

дўстға бир чўрилик ва шу муносабат билан бировларни кўриб юриш..." сўзлари қалбға ҳам, онгға ҳам муҳрланар, уларни яна ва яна тинглагимиз келар ва ҳар гал яна ва яна ҳаҷжонға тушаверар эдик...

Қани энди яқин тарихимиздаги бу ажойиб аъёнлар — шеърхонлик, мушоиралар ҳозир ҳам давом этаверса! Севишганлар, қон-қардошлар ўртасида бадий асар тили даражасида бўлмас ҳам самимият руҳида битилган мактублар билан доим айриболоб турса!

Бу — ҳозирги кундаги одатлардан беҳабар, умидсиз хомхаёлнинг тушимми?

Ҳа-да, ахир ўзгаришлар, янгилианишларни сезмаслик, бунга мослашмасликнинг илоҳи қанча! Давр шиддати-

Мушоҳаза

ШЕЪРИЯТ БАЙРАМИ ЎТКАЗИЛСА...

Яқинда мамлакатимизда ўзбек тили байрами одатдагидек жуда кенг, тантанали тарзда нишонланди. Авлод-аждодларимизнинг забони ўз юртида энг юксак ва энг муносиб — давлат тили макomini олгандан буён ўн олти йил ичида амалға оширилган ишларға бир назар ташлашингиз ўзиёқ, буюк Алишер Навоий, Бобур, Лутғий, Нодира ва Увайсий, Фитрат ва Чўлпон тили нафақат қаддини дадил ростлагани, балки юксакликға юз тутганиға ҳоҳлаганча мисоллар келтириш мумкин.

ни энди самолётлар ҳам қолиб, космос ракеталари белгилаётган бўлса. Ишхона ёки уйда эмас, кўчада, машинада, яқинда, бошқа қиъадами уяли телефон орқали нафақат гаплашиб, балки сўхбатдошингиз киёфасини кўриб турсангиз. Бу амалиётға асосланган, "вақт-пул" деган замонавий қолидан келиб чиққан ҳолда фикрни ўта сиқик ифода қилишни талаб этувчи буйруқона хитоб калланға гўладек тўшиб турса, жимжимадорлиғи ташбеҳларға бало борми?

Кўнглинға (ёки кўзингиз) ёққани билан диллашмоқчисанми? Бундан осони борми? Уяли телефон орқали "СМС" хабар йўлласанг, ўша ондаёқ маҳбубанг "соткаси" жажжи ойначасида "дил сўзларинг" муҳрланади.

Азал-азалдан энг нозик, пинҳона сақланиши зарур деб ҳисоблаб келинган туйғуларни бегона кўздан яшириб, хатжилда жоилашға не ҳожаат? Ақсинча, радио мавжларида бундай бепасанда "севишган"лар учун махсус эшиттиришлар ташкил қилинган. "СМС" хабарингиз йўлласанг, биргина учрашиб юрган қизинг ёки йигитинг эмас, етти маҳалла, яъни радио тинглаётган бутун эл "Қуйдим, ёндим", "Учрашувға чиқ" каби нидолардан хабар топавереди.

Ҳар бир замонада эҳтимол "севиғи", "муҳаббат" тушунчалари талқини, қолаверса одоб доиралари ҳақидаги тасаввурлар турлича бўлар. Бирок бу ўринда, радиоға "ишқ мактублари"ни уззу кун йўллаб турганлар ("СМС" хабарлари уяли телефон операторлари бизнеси учун бугунги кунда салмоқли мадад эканлиғи ҳам сир эмас) бугунги ёшларимизнинг ақсарият кўпчилигини ташкил этади ва ҳамма ҳам ҳаё пардаларининг шу даражада юқори кўтариллиши тарафдорлари, деган фикрни тикиштиришдан анча узоқмиз.

Шу билан бирға халқ, миллат учун гоят муҳим кадриятлар ҳақида гап очилган экан, биргина насихатгўйлик билан ўзаро муносабат ва ўзаро муомала маданиятини қарор топтириш анча мушкул вазифа ўхшайди. Яъни амалий қадамлар ҳам шартға ўхшайди.

Ноумид шайтон, деганларидек, "Интернет" тўри бутун дунёға ёйилган, энг омади чопган ишбилармондан тортиб, бозорда аравача гилдирайтиб, бировларнинг оғирини енгил қилиб юрганларға ўзларининг турмушини уяли телефонсиз тасаввур эта олмайдиган бугунги кунда ҳам миллатдошларимиз, айниқса ёшларимиз этиборини умуман ўша нафис сўз санъати, хусусан эса ҳис-туйғуларға ўта бой шеърийати нафақат қадрлашға, балки ўз турмушларида фойдаланиши ўргатишға қаратилган бир тақлифни жамоатчилик ҳукмиға ҳавола этимоқчимиз.

Ўртимизда умуммиллий шеърийат бай-

рами — мушоира ўтказишни ташкил қилсак.

Турмуш муаммолари тўлиб-тошган бир вақтда бу тadbирға ҳожаат борми, деган ўринли савол берилиши эҳтимолини ҳисобға олган ҳолда янги китъа кашф этилиш, ёки ихтироға даъвогарлик қилиш ҳаёлимизда ҳам йўқ, ўзи бу — унчалик янгилик нараса эмас. XXI аср бошида ҳам адабиёт, хусусан шеърийатға умуммиллий масала, деб қараш, ҳар бир ўқув юрти, аҳоли турар жойи, оилада мушоира аъёнани худди юртимизда бўлгани каби бошқа давлатларда ҳам борлигини эслатиб қўйиш, фойдадан ҳоли бўлмас. Айтилик, Японияда ҳар йили январь ойининг ўрталарида умуммиллий шеърийат мусобақаси — мушоира ўтказилар экан. Ҳар йили белгиланган бирор мавзу бўйича мамлакат шеърийат байрами ҳайъатиға ўнлаб минг танка ва ҳайку — яъни японларға хос шеърлар йўлланар экан.

Япон адабиётининг гоят нуфузли вақиллари аъзо бўлган ҳайъат томонидан танлаб олинган йилнинг энг муносиб шеърлари эса умуммиллий тантанали маросимида император ҳузуринда ўқилиб, газета ва журналларда чоп этилар экан. Техника тараққиёти, шу жумладан "Интернет" ва уяли телефонлар ривожланиши бўйича камдан-кам давлатға улоқни берадиган Японияда бу ҳар йилги шеърийат байрами, худди биздагидек, XIV асрдан бери урф бўлиб келлаётган экан. Ана шунға ўхшаш ҳар йилги умуммиллий шеърийат байрамларини ўтказиш Буюк Британияда ҳам одат тусини олганлиғи маълум.

Бу ўринда хоҳланг, хоҳламанг халқ шоиримиз Эркин Воҳидовнинг машҳур қасидасидаги "Мир Алишер наърасиға акс садо берди жаҳон, Шеърийат мулкида бўлди шоҳу султон ўзбегим" сатрлари ёдингизға тушавереди. Хўш шундай экан нима учун бизға "Пушкин бир жаҳону Байрон бир жаҳон" бўлгани билан, "Лек Навоийдек бобом бор, кўксим осмон ўзбегим" эмасми?

Демократизми. Ўзбекистонда ҳам ҳар йили умуммиллий шеърийат байрами — мушоирани ташкил этишининг мураккаб томони борми? Тўри шеърийат байрамлари, мушоиралар ҳозир ҳам жуда тез-тез, атоқли шоирларимиз муборак тўйлари, турли байрамларға бағишлаб ўтказиб турилибди. Ҳар йили ихтидорли ёш ижодкорларнинг Жиззахнинг шоирона гўшаларида учрашувлари бўлади.

Бизнинг тақлифимиз эса даврани жуда кенг — бутун Ўзбекистон микёсида олиш. Уни худди аънавий "Ўзбекистон қўшиқ байрами"дек мактаб, коллеж ва лицей, олий ўқув юртлири, ҳарбий қисмлар, ёшлар ташкилотлари, маҳаллалардан бошлаб, туман ва шаҳар, ундан сўнғ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, пойтахт боққичиға кўтариш. Муайян бир кун — эҳтимол адабий тилимизнинг асосчиси Алишер Навоий таваллуд топан кун ёки ўзбек тили байрами кунини умуммиллий мушоиранинги яқунловчи боққичини жуда тантанавор ўтказасак бўлмасмикан?

Илм-фан қанчалик тараққий этмасин, ўйлашимизча, инсон маънавий дунёсини, қолаверса дунёқарашини, маданиятини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятға эға ҳақиқий, том маънода санъат асари даражасидаги шеърға, шеърийатға ташналик қонмайди.

Миллий шеърийат байрами баҳона электрон воситалар вақтлари, онларини тўла-тўқис эгаллаб олаётган ёшларимизда китоб ўқишға даъват қилар, эҳтимол шеър битишға, ижод қилишға ҳавас уйғонар. Биз ҳозирча фақат дафтар бетини кўрган янги муסיқий сатрлардан баҳраманд бўлармиз, янги номларни кашф этармиз.

Бу масалада Ёзувчилар уюшмаси, "Маънавият ва маърифат" маркази, бошқа манфаатдор ташкилотларда ҳам ўз фикр-мулоҳазалари бўлиши табиий. Улар тақлифға бефарқ бўлмасликларидан умиддормиз.

Қолаверса, бу бебаҳо қадриятларимизға яна бир қанот бахш этиш, маънавий гўзалликға интилишни рағбатлантириш, ҳаётимизни шеърдек жарангдор ва латофатли қилиш илҳиндир.

Эркин ЭРНАЗАРОВ

Шарқ дурдоналари



Байт: Айтилмаган сўзни айта оларсан, Айтилгани қачон тута оларсан?

У давом этиб деди: «Ҳар сўз ўқи камондан ўчса ва ҳар қалима оғиз зиндонидан кўчса уни қайтариб оламан дейиш хом ҳаёлликдир!» Байт:

Шошилмоқдан тийгин доимо ўзни, Истаганда айтсанг бўлади сўзини!

Чин фағфури сўз бўстони-дан гулдаста ҳозирлаб, тухфа қилган ҳолда деди: «Сўз қуши оғиз қафасида экан, унинг ихтиёри менинг изим-дадир. Бордию, у тил ошёнасида парвоз қилса ҳеч қачон уни тўтиб бўлмайди.» Байт:

Қуш қафасдан учиб кетганда ҳар дам,

Тутаман деб уни тортмагин алам!

Сўз келини сўзлашув пардасидан ташқарига чиқмаган экан, тил машотасининг ихтиёридадир. Машшота уни хоҳласа баён боғиға олиб киради, хоҳласа парда орқасида пинҳон тута олади. Байт: Сўз келини дилва қилма замон,

Соҳибнинг қўли остида пинҳон.

Хоҳлаганда уни баён қилди,

Хоҳлаганда яна ниҳон қилди!

● Вафоли одамнинг дўстлиғи ҳам самимий бўлади.

● Ёшлиқда шундай иш қилки, қариганингда фойда берсин ва унинг беҳуда ўтганидан афсус ема!

● Ёшлик мастлиғи шароб мастлиғидан ортиқ. Ийғит ийғитдан йиқилади, аммо тақлим бўлмайди.

● Бир сандиқ олтидан бир зарро ақл яхши.

● Тинимсиз зияратдан маллолик туғилади.

● Йулға чиққидан аввал йўлдош қидир.

● Ҳар қуш ўз овозидан шодланади.

● Байт: Яхшилар айбидан кўз юмган ҳар он,

Ҳасад кўзи билан боқмағил зиён.

Ўз айбинг кўрмоққа юз марта кўз оч, Ўзгаға бир бор ҳам кўз очтидан қоч!

● ҲИҚМАТ. Дўст уч гуруҳдир: дўст, дўстингни дўсти, душманнингни душмани. Душман ҳам уч тоифадир: душман, дўстингни душмани, душманнингни дўсти. Байт:

Душманингға душман бўлади дўстинг,

Душманингға ул ҳам бўлади ағёр.

Душманингға дўстлик айлаш дўстинг.

Душмандир у аканг бўлса ҳам зинҳор!

● Донолардан бири айтади:

— Ёмон кишилар билан улфат бўлишдан қочгин. Одамнинг табиати ўғридир. У яхши кишилар билан сўхбатдош бўлганда яхши хислатлардан баҳраманд бўлгани каби, ёмон билан улфат бўлганда ҳам уллардан озгина бўлса-да, ёмон хислат ўғирлаб олади.

КУЛГИ УСТАЛАРИ ЖАМЛАНДИ

Эргаш Каримов номи эшитганда ҳеч муболагасиз юртимиздаги етти ёшдан етмиш ёшгача бўлганлар лабларига табассум югуриб кулги ва миниатюра устасини завқ билан таърифлайдилар. Дарҳақиқат, Ўзбекистон халқ артисти, кўплаб кулги усталарининг устози бўлмиш камтар ва захматкани инсон Эргаш Каримов ярим асрдан буён халқни кулдириб, кайфиятини кўтариб келмоқда.

Биз ўрта ва катта авлод вакиллари "ойна жаҳон"да илгарилари ҳар ҳафта телевидион миниатюралар театри бўлишини орзиқиб кутардик. Ва Эргаш Каримов, Роза Каримова, Хусан Шарипов, ҳозирда марҳум Хасан Йўлдошев, Воҳид Қодиров, Садир Зиёвуддинов каби кўплаб комик актёрларнинг беназир маҳоратидан олам-олам завқ олардик.

Эргаш аканинг турмуш ўртоғи Роза Каримова билан биргаликда ижро этган кўплаб миниатюра сахналарини мухлислар ҳамон завқ-шавқ билан эслайдилар. Айниқса, "Ўзбектеlevision" студияси томонидан жуда хайрли ишга қўрилиб яратилган "Учрашув" телефильмидаги "Пахтакор"нинг ашаддий ишқибози образи ҳеч қачон кулги ихлосмандларининг ёдидан кўтарилмасе керак. Еки шу комедия — телефильмдаги совчи-проводник қиёфаси ҳам шунчалик маҳорат билан ижро этилганки, унда устоз санъаткорнинг ўзига хос истеъдоди ярқ этиб намоён бўлган десак адашмаймиз.

Кулги умрни узайтиради, дейдилар. Дарҳақиқат, ўзбек миниатюра санъатида тамал тошни қўйган захматкашлардан бири, ушбу соҳа ривожига катта хисса қўшган бетакорор истеъдод соҳиби Эргаш Каримов ҳозирда 70 баҳорини қаршилаган бўлса-да, ҳамон тетик ва бардам, ҳамон халққа кулги ва табас-

сум улашишга тайёр ҳамон халқимиз уни севиб, ардоқлайди. Бунинг ёрқин исботига куни кеча Ўзбек давлат Миллий академик драма театрида қизиқчилар устозининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган кулги кечасида яна бир қарра амин бўлдик. Театр залининг мухлислар билан лиқ тўлиб, ҳатто танга ташласанг ерга тушмайдиган даражада етгани ҳам халқимизнинг иқтидорли ва камтарин санъаткорга нисбатан хурматининг ифодасидир. Шу куни устозни кўтлаб Фаргона водийсидаги барча қизиқчи асқичилар, шаҳримизнинг кулги усталари жамул-жам бўлишди.

— Эргаш Каримов таваллудининг 60 йиллиги ҳам барча қизиқчилар иштирокида жуда чиройли ва файзли ўтганиди, — дейди кеча муаллифи ва сахналаштирувчи режиссёр Марат Асадуллаев. — Бу галги тадбирини режалоштирганимизда ҳам устоз санъаткорни хурмат қилган ҳолда юртимизнинг барча қизиқчи асқичилари унда бажонидил қатнашиш истагини билдирдилар. Уни шоу томоша тарзида ўтказишни кўзда тутиб, Гурбатилло, Хасратилло, Кўрпача домла образларини киритдик. Барча шоғирдлар ўз ҳазил-хузул дастурлари билан табриклашди. Энг муҳими, томошабинлар нозик қочиримлар, коса тағидига нимқосаларни яхши тушунишди.



Шу куни зални тўлдириб ўтирган кулгисеварлар асқиячи ва қизиқчилардан Мамасиддиқ Ширяев, Хотамжон Ҳакимжонов, Абдулла Акбаров, Абдурахмон Сиддиқов, Толиб Ҳожиёв, Шерали Ҳожиёв, Равшан Солихов, Хайитали Низомиддинов, Хайрулла Саъдиев, Едгор Саъдиев, Ҳожибой Тожибоев, Мирзабек Холмедов, Валижон Шамшиев, Шукрулло Исроилов, Искандар Ҳамроқулов, М.Дарвишев номидаги "Хангома" театри қизиқчилари, "Қалпоқ" гуруҳи қизиқчилари, яна кўплаб кулги усталари ижросидаги ичакузди хангомалар, интермедияларни томоша қилиб, кўнгиллари завқ-шавққа тўлди. Қизиқчилар, Э.Каримовнинг ёру дўстлари энг эзгу дил изҳорларини баён этишди.

Биз эса Эргаш ака, халқни кулдиришдан, яхши кайфият бахш этишдан сира толманг, саксон ёшлик юбилейингиз ҳам мана шундай файзли ўтсин, дея тилак билдириб қоламиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин
олган суратлар



Табиаат ажойиботлари

ҚОРОНҒИДА ҲАМ КЎРАДИ

АҚШнинг Орегон қирғоғидаги денгиз чуқурлигидан маҳсус тўр ёрдамда таниш бўлмаган бир балиқ ушланди, унда икки жуфт кўзнинг бўлиши биологларни ҳайратга солди. Юқорида жойлашган ва бўртиб чиққан бир жуфт кўз юпка парда билан ажралиб туради ва ўзидан юқорида юрган кушанда ёки душманларини кўришга мослашган. Иккинчи жуфт кўз эса анча кучсиз, ёруғни тез сезишга қодир ва пастки томонга қараган. Батилихномус деб аталмиш бу балиқ денгиз зулмат қоронғусида йирткичлик қилади.

Денгиз ва уммонларнинг теран жойларида яшовчи жониворлар орасида моллюскалар (саккизаёқ ва калмар)дек кўзи ўткир жонивор топилмасе керак, уларнинг кўриш қобилияти билан одам, мушук ва бойкуш кўзларига рақобатлашиши мумкин, улар ўрта ёруғда ҳам гира-ширада ҳам кўради.

Асалариларнинг фасетали кўздан ташқари яна учта билинар-билинимас оддий кўзлари бор. Яқинда аниқланишича улар ўзига хос фотометрлар экан. Шунинг учун ҳам арилар ўта кучсиз ёруғликни сезадилар.

Отларнинг кўз қорачиғи горизонтал ҳолда жойлашган, мушук ва тулкида асқинча вертикал ҳолда бўлади. Горизонтал кўз қорачиғи очик текисликда яшовчи жониворлар учун зарур, чунки улар ўз душманларини ўза масофадан туриб кўра билишлари керак. Тулки ва мушукнинг кўзлари вертикал ҳолда бўлгани учун улар ўз ўлжасини излаб топиш учун кўпича пастта ва юқорига қарайдилар.

Балиқ кўзлари инсон кўзи сингари аккомодация хусусиятига эга, фокус масофасини узайтириш йўли билан турли узоқликни кўриши мумкин. Аммо кўпчилик балиқларда бундай кўриш ҳолати худди суратга олувчи аппарат объективи ҳаракатига ўхшаш қорачиғининг кўз тўрига яқинлашиши ёки узоқлашиши билан амалга ошади.

Яҳё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар худудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадида ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатлиний банд солинган қўйидаги автомобилотранспорт воситаларининг очик кимошди савдоси ўтказилади.

- 2005 йил 21 ноябрь куни қўйидаги автомобилотранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади:
1. «Газ-5312 КО5036» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 711, бошланғич нархи 304 255 сўм, техник носоз-Миробод-226/4;
 2. «Газ-53 РВМ3» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АИ 468, бошланғич нархи 365 000 сўм, техник носоз-Миробод-№225/4;
 3. «Газ-5312» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 791, бошланғич нархи 214 000 сўм, техник носоз-Миробод-№224/4;
 4. «ИЖ-271501-11» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 791, бошланғич нархи 214 000 сўм, техник носоз-Миробод-№224/4;
 5. «Зил-ММ3-4502» автомобили, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АУ 631, бошланғич нархи 298 000 сўм, техник носоз-Сергели-234/4;
 6. «Иж-21251» автомобили, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 Г 92-90, бошланғич нархи 181 000 сўм, техник носоз-Учтепа-230/4;
 7. «Газ-53» автомобили, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 952, бошланғич нархи 1 203 982 сўм, техник носоз-Учтепа-228/4;
 8. «Газ-53А» автомобили, 1975

9. «Газ-66» автомобили, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 949, бошланғич нархи 1 613 385 сўм, техник носоз-Учтепа-228/4;
10. «Газ-53А» автомобили, 1968 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 951, бошланғич нархи 320 317 сўм, техник носоз-Учтепа-228/4;
11. «Газ-5228» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АУ 638, бошланғич нархи 1 242 903 сўм, техник носоз-Учтепа-228/4;
12. «Газ-5312» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 823, бошланғич нархи 2 154 493 сўм, техник носоз-Учтепа-228/4;

Кимошди савдолари соат 16-00да бошланади.

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ҳафтаинг душанба, чоршанба, жума кунлари соат 12.00дан 18.00га қадар ишчи гуруҳ вакиллари томонидан амалга оширилади ва кимошди савдоси эълон қилингандан 3 кун аввал тўхтатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.
Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.

Қақча

Хонадаги ҳарорат неча даража? — сўради хотин.
— Ўн беш даража, — жавоб берди эр.
— Ташқарида-чи?
— Йигирма.
Ундай бўлса деразаларни оч, беш даража иссиқ уйга кирсин.

— Уна ҳам суриб қўяйми? — сўради сартарош мижозидан унинг соқолини олиб бўлган.
— Нима, у ҳам хизмат ҳақиқа кирадими?
— Бўлмаса, марҳамат қилиб, қоғозга ўранг, хотиним фойдаланар.

Эрталаб мурватнинг даранглаши милтиқдан ўқ узилгандай таъсир қилиди менга.
— Сагчиб туриб кетсанг керак?
— Йўқ, мурдадек чўзилиб ётавераман.

— Чамамда кечаси бўрон бўладиганга ўхшайди, — деди эр.

— Агар ишдан вақтида қўйсанг, ҳеч вако бўлмайди, — жавоб берди хотин ишонч билан.

Шотландияликлардан бири врач қабулидан чиқа туриб, столга икки тийинлик чақа қўйди. Бундан ғазабланган доктор сўради:

— Бу садақа менгами ёки ҳамширагами?
— Икковингизга.

Уй эгаси ижарада турувчи хотиндан сўради?
— Акангиз тез-тез ҳол сўраб турарди, бирор қор-ҳол бўлди-ми, кўринмай қолди?
— Унга ҳеч вако бўлгани йўқ, бошқа сингил топган, холос.

Кизариб-бўзариб ўтирибсан, нима бўлди?
— Хозиргина собиқ хотинимнинг эри телефон қилиб, обдон сўқди.

— Сабаб?
— Уч йил турмуш қилиб, мен унга овқат тайёрлашни ўргатмаган эмишман.

— Эрим театрга бориши мутлақо мумкин эмас, фожанинг биринчи пардасидаёқ йиғлай бошлайди.

— Менинг эрим эса билет олишга отланишим билан бўзлашга тушади.

— Шундай бебаҳо, ажойиб материалдан, қандай қилиб расвои олим қўлай тикдингиз? Тажрибангизни гапириб берсангиз.

— Иложи бўлмайпти-да, аввал биз ёмон материалдан тикиб қўрдик, лекин бўлмади, кийимлар ундан ҳам расво бўлиб чиқди.

— Уйланганингизга кўп бўлди-ми?

— Йигирма йилдан ошди...
— Ҳазилингизни қўйсангиз-чи! Сиз билан биз ўтган йили учрашганимизда, бўйдоқ юрибман, деган эдингиз-ку?
— Аслини олганда шундай-ку, назаримда гўё йигирма йилдан ошгандек туюлади.

Чўпдан сайёх сўради:
— Қўйларингиз нечалар бор?

— Билмадим, азизим. Қачон санашни бошласам, ўша кунни санаб тугатолмайман, ухлаб қолам.

Спорт

ЮҚОРИ НАТИЖАЛАР КЎРСАТМОҚДА

Спорт гимнастикамиз маликаси Оксана Чусовитина билмайдиган бирор та мухлис бўлмас керак. Ушбу спорт тури бўйича деярли барча халқаро мусобақаларнинг голиб ҳамда совриндори бўлишга эришган фахрий гимнастикчимиз ҳамон ўзининг бетакор маҳорати ва ажойиб галабалари билан мутахассису ишқибозларни шод этиб келмоқда.

Куни кеча спорт гимнастикаси бўйича Жаҳон кубогининг навбатдаги босқичи мусобақалари бўлиб ўтган Шотландиянинг Глазго шаҳридан яна бир хушxabар олдик. Мазкур йirik халқаро мусобақаларда ҳамюртимиз Оксана Чусовитина таяниб сакраш бўйича биринчи ўринни эгаллади. Шу билан бирга Оксана брусъяда машқлар бажариш ҳамда эркин машқлар йўналишлари бўйича финал бахсларида иштирок этди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш керакки, Жаҳон кубоклари жами 15 босқичдан иборат бўлса, шундан еттигасида қатнашган О.Чусовитина ҳозирда спорт гимнастикаси бўйича жаҳон рейтинг жадалида иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Шу кунларда тажрибали гимнастикчимиз жорий йилнинг 18-28 ноябрь кунлари Австралиянинг Мельбурн шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати бахсларига қизгин ҳозирлик кўрмоқда.

ОМАД ТИЛАЙМИЗ

Профессионал рингда жаҳон чемпиони унвонини кўлга киритиб, юртимиз доврғини жаҳонга ёйган Артур Григорян изидан ҳозирда кўплаб иқтидорли чарм кўлқоп усталаримиз борishмоқда. Ўйлаймики, тез орада ҳамюртларимиз орасидан профессионаллар ўртасида янги жаҳон чемпионлари етишиб чиқади.

Шундай иқтидорли профессионал боксчиларимиздан бири Тимур Ибрагимовдир. Профессионал рингда фаолият бошлаганидан буён жами 20 та учрашув ўтказиб, шундан 19 тасини галаба билан якунлаган Тимур ҳозирда навбатдаги жангга қизгин ҳозирлик кўрмоқда.

11 ноябрда АҚШда Тимур Ибрагимов америкалик Поль Маринайчигога қарши рингга чиқади. Рақиб аниқ тажрибали (Тимурдан 8 ёш катта) бўлса-да, мутахассису мухлислар кўпроқ ҳамюртимизнинг галаба қозонишига умид билдиришмоқда.

Биз навбатдаги жангда Тимур Ибрагимовга омад тилаб қоламиз.

(Ўз мухбиримиз)

Анжуманлар

МАҚСАДИМИЗ — ЁШЛАРНИ АСРАШ

Ёшлар тарбияси — эртанги кун, келажакни ўйлаб қилинаётган саъй-ҳаракатларимизнинг асосий мезонидир. Ўғил-қизларимизнинг ҳар томонлама етук, комил инсон бўлиб шаклланиши учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Аммо тўқликка шўхлик деганларидек, айрим ёшларимизнинг фаровон ҳаётимиз қадрига етмай, турли оқимларга эргашиб ғиёвандлик, ичкиликбозлик, безорилик билан шугулланиб, қонунбузарлик ва жиноятчилик ҳолатларини келтириб чиқараётганлари ачинарли ҳолдир.

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ташаббуси билан Сергели тиббиёт коллежида мазкур тизим раҳбарлари иштирокида ўтказилган «Вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликнинг олдини олиш — долзарб масала» мавзусидаги тадбир ёшлар ўртасида ёмон иллатларнинг олдини олишга бағишланди.

— Коллежимизда 2422 нафар талаба тахсил олади, шулардан 1004 нафари вояга етмаган ёшлардир, — дейди маънавият ва эърифат ишлари бўйича директор ўрин-

босари Абдунаби Орипов. — Ўсмирларимизнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида 27 та фан ва касб йўналишлари бўйича тўғарақлар ташкил қилганмиз. Бундан ташқари, суд-прокуратура, ички ишлар ходимлари билан тез-тез учрашувлар ўтказиб туриамиз. Бу ўзига яраша ижобий натижа бермоқда деб ўйлаймиз. Беш йилдан буён талабаларимиз ўртасида қонун бузиш ҳолатлари кузатилмаган.

— Ёшлар бир ниҳолдир, уни қандай ўстирсанг, шунга қараб мева беради, — дейди Янқасарой майиш хизмат кўрсатиш

У-шу бўйича йил давомида мусобақалар кам ўтказилсада, бириқ ҳар доим Ўзбекистон кубоги ва чемпионати мусобақалари кескин ва муросасиз тарзда бўлиб ўтди. Навбатдаги 6-республика очиқ чемпионати ҳам анъанадан четда қолмади.

У-шу

РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Икки кун давом этган чемпионатнинг биринчи кунинда мусобақанинг тантанали очилиш маросими ўтказилиб, унда Хитойнинг ХБЕ академиясида тахсил олди кайтган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари кўрғазмали чиқишлари билан иштирок этишди. Ва уларга Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда У-шу миллий федерациясининг эсдалик совғалари, ХБЕ академиясининг дипломлари топширилди. Шундан кейин таолу, яъни якка тартибда мурраккаб машқларни бажариш бахслари бошланди.

6 ёшдан 35 ёшгача ва ундан юқори ёш тоифаларида бўлиб ўтган таолу мусобақалари одатдагидек, муросасиз беллашувлар остида якунланди. Ушбу беллашувлар давомида энг чиройли ва аниқ таолу машқларини бажарган 6-8 ёшли болалар ўртасида Дониёр Тиллаев, 9-10 ёшлиларда эса Станислав Раддинский голиб бўлди. Ўсмирлар ўртасида 11-12 ёшдагилар баҳсида Шавкат

Мирқамоллов, 13-14 ёшлилар орасида Дмитрий Кимга етадиган рақиб топилмади. 15-17 ёш тоифасида Саидхўжа Ғаниев, 18 ва ундан катта ёшлилар ўртасида ХБЕ академиясининг ўқувчиси Дилшод Бозоровлар 6-Ўзбекистон очиқ чемпионатининг чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлдилар. Умумжамоа ҳисобида Тошкент-1 ва Тошкент-2 жамоалари биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, кучли учликни қашқадарёлик у-шучилар тўлдирдиши.

Шунингдек, мусобақанинг биринчи кунини фахрийлар ўртасида Тай-Цзи-Цюань машқлари ҳам ўтказилди. Янада қизқарла ва муросасиз жангларга бой бўлган санъошу беллашувлари эса мусобақанинг иккинчи кунини бўлиб ўтди. Айтиб ўтиш жоизки, ушбу мусобақаларда пойтахтлик у-шучилар билан бир қаторда вилоятлардан келган спортчилар ҳам тенг курашлар олиб боришди. Айниқса бу борада Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқ-

адарё, Андижон вилоятлари вакилларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Дарҳақиқат, кескин курашлар остида ўтган санъошу беллашувларида Улғубек Облакчулов, Шерзод Рўзиев, Нодир Шарипов, Шохрух Нуриллаев, Хусниддин Омонов, Даврон Очилов каби ўнлаб у-шучилар кучли унликдан ўрин олишди. Таъкидлаш жоизки, голиблар орасидан терма жамоага номзодлар сараланиб, улар шу йилнинг декабрь ойида Вьетнамда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади. Маълумки, 2008 йили Пекинда ўтказиладиган Олимпиада уйинлари дастуридан у-шунинг ўрин олиши кутуляпти. Бу эса, Хитойнинг ХБЕ академиясида у-шунинг янги қонун-қоидаларини ўрганиб қайтган ҳамюртларимиз зиммасига масъулиятли вазифа юклайди. Ишонимизки, улар бизни халқаро майдонларда ҳам уялтириб қўйишмайди.

(Ўз мухбиримиз)

касб-хунар коллежининг директор ўринбосари Муҳаббат Каримова. — Шу боис бу йўлда қилинган ҳар қандай ишнинг натижасига ҳам эътибор бериш лозим.

— Шаҳримизда айни кунларда 115 та академик лицей ва касб-хунар коллежлари мавжуд бўлиб, шу каби тадбирларни уларнинг барчасида ўтказмоқдамиз. Бундан қўланган мақсад ёшларимизда инсонларварлик, ўзаро меҳр-оқибат, дўстлик ва ҳам-ҳаётлик сингари инсоний фазилатларни шакллантириш, Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат, сабр-бардошли бўлишга ундаш, — дейди Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасининг бош мутахассиси Лимона Аҳмедова.

Тадбирда иштирок этган 100 га яқин коллежларнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарлари тиббиёт коллежи фаолияти билан яқиндан танишиб, тажриба алмашиш борасида тақлиб-истақлар билдиришди. Шунингдек мавзуга оид ўз фикр-мулоҳазаларини туман ҳокимлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари ҳам билдиришди.

Тадбир сўнггида талабаларнинг турли саҳнавий чиқишлари намойиш этилди.

Шайхмухаммад

Сўғдиёна

ЧЕМПИОННИНГ САФАРДАГИ ГАЛАБАСИ

Мамлакат XIV миллий чемпионати шарафини ҳимоя қилаётган жамоаларга яна омад келтирди.

Муддатидан аввал чемпионлик унвонига сазовор бўлган «Пахтакор» ушбу турда Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоаси билан куч синашди. Айтиш жоизки, рақиб дарвозасига ҳужум уюштиришда, майдон марказини эгаллаб тўғни жамоасидашга аниқ узатишда устунлик қилган Раъван Хайдаров шоғирдлари 90 дақиқа мобайнида мезбонлар дарвозабонини уч марта хато қилишга мажбур эта олишди. Мухлислари олдида уялиб қолмаслик мақсадида чемпион қаршилигини синдиришга ҳаракат қилган майдон эгалари эса унга толга битта тўп билан жаовб қайтара олиши ҳолга. Дарвозаларга тўғларни «Пахтакор»дан Жепаров, Солиев (2 та), «Сўғдиёна»дан Пардаевлар йўллашди.

Жорий йилги мавсумда ҳам мухлисларига мазмунли ўйин кўрсатишга интиляётган «Трактор» жамоаси аъзолари ушбу турда яна ишқибозлари кўнглини шод этишди. Ўз майдонларида мамлакатимизнинг етакчи жамоаларидан бири «Навбахор»ни қабул қилган тракторчилар 90 дақиқа мобайнида комбинацион, чиройли ўйин намойиш этишиб учрашувни 2:0 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал эта олишди. Мухлисларга қувончли лаҳзаларни ҳада этган тўғларни дарвозага Кликунов ва Наукароевлар йўллашди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Нефчи» — «Металлург» — 1:0, «Шўртан» — «Насарф» — 2:1, «Самарқанд-Динамо» — «Локомотив» — 1:0, «Бухоро» — «Тўпаланг» — 2:1, «Машъал» — «Қузилкум» — 2:1.

Ушбу турнинг «Нефчи» — «Навбахор» жамоалари учрашувини 11 ноябрда бўлиб ўтади.

Акбар Йўлдошев

Мунажжим башорати

КЎПРОҚ ДАМ ОЛИБ, КУЧ ТЎПЛАНГ

11 НОЯБРЬ, ЖУМА

Сизга таниш мунажжимларимиз бир овоздан бугун кўпроқ дам олиб, хаёлларингизни бир жойга жамлаб, ўзига хос якун ва хулосалар чиқариб кунни ўтказишни тавсия этишган. Бунинг сабаби куннинг биринчи ярмида (тўғрроғи соат 15 гача) Куёшнинг Чаён буржининг «вайрон этувчи» 19-даражасида бўлиши билан боғлиқдир. Шу вақт мобайнида янги ишларни бошлашдан тийилиб туриш, шахсий ташаббусларни рўёбга чиқаришни бироз кечиктиришга тўғри келади.

Бундай шароитда зўр бериб ишлаш, ғайрат кўрсатиш жисмоний чарчаш билан бирга руҳий ҳолатингизга салбий таъсир этиши ҳеч гапмас. Шунинг учун асосий вақтингизни ўйингизни тартибга келтириш, оилани, қариндош-уруғчилик алоқаларини мустаҳкамлашга сарфлаганингиз маъқул. Меҳмон кутинг, болаларингиз билан шугулланинг, муҳтожларга бегараз ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилинг.

Бугун булоқлар ва қудуқлар тозалана-

диган кун. Зинҳор сувга туфламанг, қудуқ ва булоқларнинг ифлослинишига йўл қўйманг. Ҳар қандай ортиқча нарсалардан (ортиқча вазндан ҳам) халос бўлиш муолажалари бугун хайрли бўлади.

Дармонсиз кишилар бугун кўпроқ дам олиб, тўйиб ухлаганлари маъқул. Ҳаммом, уқлаш муолажалари фойдалани. Кўпроқ суюқлик истеъмол қилиш тавсия этилади. Булоқ ва қудуқ сувлари бугун шифобахш хусусиятга эга бўлади.

Кийимлардан кумушранг ва хаворанг либослар омадли бўлади. Қора рангли ва бошқа барча ялтирок нарсалардан воз кечинг.

БУГУН:

— майда дилхираликлар, унча-мунча йўқотишларга ҳам эътибор бериб қуйинг, тез орада ҳамма йўқотганларингиз ортиги билан ўзингизга қайтиши турган гап;

— ўзингиз учун энг муҳим деб ҳисоблаган бир муаммо ечимига диққатингизни жамланг;

— ҳисоб-китоблар, қвиантиялар, қимматли қоғозларингизни тартибга келтиринг;

— ижодий иш билан, жамоат топшириқларини бажариш билан шугулланг;

— ўз имижингиз ва нуфузингиз ҳақида қайғуринг.

Ғиббат галлар, миш-мишлар, норасмий манбалар хабарларига ишонини маслаҳат бермаймиз.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳақми — 2 босма тираж офсет усулида босилган.
2495 нусxada босилди. Қўғоз бирини А-3

Газета Тошкент паҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимидаги еки «Тошкент почтамакта» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақиланди.

«Шарқ» нашрийёт-матбос акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Булоқ Турро» кўчаси, 41-уй.